

## Тез ҳаракат қилиш

“Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш” факультети Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши талабалари ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш Республика кўп тармоқли маркази билан семинар тренинг бўлиб ўтди. Шу ҳақда тўхталиб ўтсак.

Семинар тренингда қидирув-қутқарув гуруҳи командири ввб сержант Д.Муродов. Сувда қутқарув гуруҳи командири катта сержант А.Тошпўлатов, РКБ гуруҳи командири сержант Ф. Норпўлатов ҳамда кафедра мудири Хайдаров Т.А., кафедра доценти п.ф.н. Парманов А.Э. доцент Хожиев А., ассистент Ражабов Н. ва Бойметов М ва талабалар иштирок этишди.

Семинар тренинг мавзуси “Авария қутқарув ва тоғ қутқарувига тайёргарлик. Тоғли ҳудудларда ҳамда юқори қаватли биноларда қутқарув ишларини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари.



“Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш” факультети Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши 409 - гуруҳ талабалари билан 2018 йилнинг 26 февраль санасида авария қутқарув ишлари фанидан Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан асосий мутахассис ходимлар билан очиқ мулоқот тарзда суҳбат ташкил қилинди. Ушбу суҳбатда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги йўналиши 3-4 курс талабалари иштирок этишди. Талабалар суҳбатни диққат билан тинглашди ва ўзларини қизиқтирган саволларини беришди ва уларга жавоб олишди.

Талабаларга қизиқарли бўлган томони шундан иборатки, фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасида ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ва махсус кийимларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Талабалар махсус кийимларни кийиб асбоблардан фойдаланиш усуллари билан танишди.

Ушбу суҳбатдаги талабалар билимлари амалда мустаҳкамланди, малака ва кўникмалари ошди.

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**